

PSTN-G00021/48- СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташиқлотлари) учун*

Уйчи ш.

2022 йил "18" Июль

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК "Ўзбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ҳалие тушган 2-сон қўлёқ Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олинган Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилини (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз таълифидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиши учун техник имкониятлар мавжудлигиндан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширилади.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиши учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишида Абонент тўлови **100 (бир юз) фоз** миқдоридан олинган тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташиқлоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) 159000 Бир қўқ экил шик сўми ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳақида \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортинча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиши йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиши учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исдалмаган тўловларнинг олдини олганини исдаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кундан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоқировка қилини учун ариза қилинириши керак. Блоқировка қилини тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қўрилишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёнилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисоб-фактурада) тегишли тўзатишларини амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг бааланен салбий бўлганда **1 (бир) календарь** ойдан олмаган муддатга Абонентнинг қаролат хақи асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиши имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларини бажармаганини учун Ўзбекистон Республикаси қонуи ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга исбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилини тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариши билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонуичилигига мувофиқ ҳамда низоларни сулдгача ҳал этиши тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзга келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар

Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ туманлараро икки томонли судда кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар маъқур Шартноманинг амал қилиш даврида Ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашининг тартибга солувчи қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятининг юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашини чораларини кўради.

6.2. Маъқур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг продаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган қучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўришишидаги мурожаати кўни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Яқиний қондалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) Ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган қучдан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартнома шаклида тақдим этилади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома Ўз қучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган қучдан бошлаб, 10 (ун) календарь қуч ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик қучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Наманган филиали	АБОНЕНТ:
Манзил: Наманган шаҳар Истиклол қуча 57-уй Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алоқабанк” Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;	<u>Ҳош Ҳошом 2-СО4 КХЛ</u> Манзил: <u>Ҳош Ҳ. Абул Ҳусейн Ҳуш</u> Банк маълумотлари: х/р: <u>100010960142297092901079002</u> СТИР: <u>200099512</u> <u>01010 92120</u> МФО: <u>00014</u> ; Банк ном: <u>Ташкент шаҳар БМК</u> Тел: <u>928 900 000 300 0000 0010</u> E-mail: <u>hosh22919</u> Оператор томонидан имзоланган Таблиця
Оператор томонидан имзоланган Имзо/ Б.Нурматов	Абонент томонидан имзоланган Имзо/ <u>Д.Қўшаев</u>



Исп.: Б.Ҳамидов  
Тел: (369) 482-10-66

Кўрсатиладиган хизматлар  
 1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлари номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Ҳўлов миқдори (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик ҳўловлар					
1.1	Рўйхатдан ўтми ва уланиш (бир марта ҳўланадиган ҳўлов) IP-телефон				
II. Хар ойлик абонент ҳўловлари					
2.1	Абонент ҳўлови (чеклов 180 дақиқа) 12 сўмдан ошиб кетган 1 дақиқа нархи IP-телефон	6900		3	20700
2.2	Бошқа хизматлар	29300		1	29300
	Жаъми сумма				50000

Жами олдиндан ҳўлов миқдори \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Хар ойлик тулов ~ 30000 ~ сум

Шартноманинг умумий миқдори ~ 150000 ~ ( Бир ой ҳўлов миқдори ) сўми ташкил этади

ОПЕРАТОР:

"Ўзбекистон телеком" АК Наманган филиали



Оператор номидан:

Директор Б. Шурматов

/имзо/  
 м.ў.

АБОНЕНТ:

Ҳасан Ҳуснов



Абонент номидан:

/имзо/  
 м.ў.

2022 йил 18 январдаги № PSTN-G00021/48 сонли ШАРТНОМА га 2022 йил учун  
ИЛОВА

## АЛОКА ТАРМОКЛАРИ

(ХИЗМАТ ТУРИ)

42-92-100

Ойлар	Микдори	Нархи	Суммаси	Индексация суммаси	Ойлар	Микдори	Нархи	Суммаси	Индексация суммаси
Алока хизмати	3	6900	20700		Алока хизмати			0	
Бошқа хизмати	1	29300	29300		Бошқа хизмати			0	
Январ			50000		Июл			0	
Алока хизмати	3	6900	20700		Алока хизмати			0	
Бошқа хизмати	1	29300	29300		Бошқа хизмати			0	
Феврал			50000		Август			0	
Алока хизмати	3	6900	20700		Алока хизмати			0	
Бошқа хизмати	1	29300	29300		Бошқа хизмати			0	
Март			50000		Сентябр			0	
1-чорак			150000,0		3-чорак			0,0	
Алока хизмати			0		Алока хизмати			0	
Бошқа хизмати			0		Бошқа хизмати			0	
Апрел			0		Октябр			0	
Алока хизмати			0		Алока хизмати			0	
Бошқа хизмати			0		Бошқа хизмати			0	
Май			0		Ноябр			0	
Алока хизмати			0		Алока хизмати			0	
Бошқа хизмати			0		Бошқа хизмати			0	
Июн			0		Декабр			0	
2-чорак			0,0		4-чорак			0,0	
Йиллик					Алока хизмати			62100	
Йиллик					Бошқа хизмати			87900	
Умумий жаъми								150000,0	

2022 йил учун микдор донна суммаси 150 000,00 сум



Хизмат кўрсаткичи



Хизмат кўрсаткичи

Д.Хўжаев